

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ИСАНОВА ГУЛБАҲОР ТАХИРОВНА

**ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ШАҚЛЛАНТИРИШДА ИЖТИМОЙ-
СИЁСИЙ РЕКЛАМА РОЛИ ОШИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по политическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of Doctor of Philosophy (PhD) on Political Sciences**

Исанова Гулбахор Тахировна

Жамоатчилик фикрини шакллантиришда ижтимоий-сиёсий реклама роли
опишининг замонавий тенденциялари.....3

Исанова Гулбахор Тахировна

Современные тенденции повышение роли социально-политической рекламы
в формировании общественного мнения.....23

Isanova Gulbakhor Takhirovna

Modern trends in the role of social and political advertising in the formation of
public opinion.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ИСАНОВА ГУЛБАҲОР ТАХИРОВНА

**ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИЖТИМОЙ-
СИЁСИЙ РЕКЛАМА РОЛИ ОШИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2020

Сийсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ss 182 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Ўзбекистон Миллий университети веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва «Ziyouet» Ахборот таълим порталида(www.Ziyouet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар: **Муминов Алишер Гаффарович**
сийсий фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Жураев Нарзулла Қосимович**
сийсий фанлар доктори, профессор

Назаров Насриддин Атакулович
сийсий фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент ахборот технологиялари университети**

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100192, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси 5-қават, 511-хона.) Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: pauka@nuu.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (_____ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100192, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2020 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).



Ш.И.Пахруддинов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, сийс. ф. д., профессор

А.Х.Холмахматов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, ф. д. (PhD).

Б.Т.Тўйчиев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, фалс. ф. д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёнинг аксар давлатларида демократик кадриятларнинг бузилиши ва жамоатчилик фикрига таъсир ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар кузатилмоқда. Ҳозирда жаҳондаги демократик оқим тарафдорлари ўз тараққиётини халқ ҳокимиятини ривожлантиришга сафарбар қилаётган бир даврда жамоатчиликни автократик бошқариш усуллари ва халқ манфаатларига зид ғайридемократик чора-тадбирлар билан бошқариб бўлмайди. Бугунги кунда жамоатчилик фикрини шакллантиришда ўтган асрда фойдаланилмаган янгича механизмлар юзага келмоқда. Ижтимоий-сиёсий рекламанинг янгича шакллари ана шундай воситалардан ҳисобланади ва сиёсий ҳокимият вакиллари улар орқали ўз мақсадларига эришмоқдалар.

Ривожланган хорижий давлатларнинг аксариятида жамоатчилик фикрини шакллантиришда турли янги сиёсий технологияларни қўллаш орқали ўз мақсадларини амалга оширишга йўналтирилган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда оддий одам, ижтимоийлашмаган гуруҳ, муҳим муаммо орқали эътиборни жалб қилиш ва номзодларнинг шахсини ижтимоий тармоқларда популяризациялаш технологияларидан фойдаланиш ҳамда “инсон омили”ни биринчи ўринга олиб чиқиш устувор аҳамият касб этмоқда. Шу боис ҳозирда жаҳоннинг етакчи илмий тадқиқот марказлари ўз изланишларида жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг янги тизимини ишлаб чиқиш, ижтимоий рекламаларнинг сиёсийлашуви жараёнини таҳлил этиш, манфаатдор сиёсий гуруҳларнинг ҳолислигини таъминлаш масалаларига эътибор қаратишмоқда.

Ўзбекистонда жамиятни ислоҳ қилишнинг ўзига хос йўналиши, яъни халқ учун муносиб яшаш шароитини таъминлаш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, очик фуқаролик жамиятини шакллантириш ва демократик ўзгаришларни амалга ошириш борасида муҳим ислохотлар амалга оширилмоқда. Юртбошимизнинг фикрича, «Демократик жамиятда барча давлат хизматчилари оммавий ахборот воситалари билан яқин ижтимоий ҳамкорлик қилишга ўрганиши керак. Маълумки, бугунги кунда анъанавий ахборот воситалари билан бирга Интернет, ижтимоий тармоқлар, блогерлар жамоатчилик фикрини шакллантиришда катта роль ўйнамоқда»¹. Ушбу эътироф Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларда жамоатчилик фикри ўта долзарблигини тасдиқлайди. Шу билан бирга, бугунги кунда дунёнинг турли нуқталарида фаолият олиб бораётган ОАВ мамлакатимиз ахборот маконига ҳам босим ўтказиб, жамоатчилик фикрини муайян даражада ўзгартирмоқда. Бу жараёни ижобий томонга йўналтириш учун жамоатчилик фикрини шакллантирувчи замонавий механизмларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш зарурияти юзага келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июньдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>.

1791-сонли «Хукукий тарбияни яхшилаш, аҳолининг хукукий маданияти даражасини юксалтириш, хукуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сонли «Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда хукукий онг ва хукукий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 4 октябрдаги “Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини, шунингдек, фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаоллигини оширишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4473-сон Қарори, Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган «2017- 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва либераллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Демократик давлатларнинг сиёсий ҳаётида жамоатчилик фикрини шакллантириш ижтимоий-сиёсий технологиялари катта роль ўйнаганлиги боис, улар доимо тадқиқотчиларнинг диққат-эътиборида бўлган, мазкур муаммо кўплаб манбаларда ўз аксини топган. Реклама ва унинг жамоатчилик фикри шаклланишига таъсири йўналишида олиб борилган илмий тадқиқотларни шартли равишда беш туркумга ажратиш мақсадга мувофиқ. Мамлакатда демократиянинг тараққиётида жамоатчилик фикрининг муҳимлиги, демократик сайловларни ташкил этиш, бу жараёнда муқобил кучларнинг соғлом рақобатини таъминлаш, сайловларни янада эркинлаштириш, партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини ошириш, аҳолининг сиёсий маданиятини юксалтириш муаммоларининг Ўзбекистон Республикаси билан боғлиқ жиҳатларини ўрганишда Президент Шавкат Мирзиёевнинг асарлари методологик манба вазифасини ўтайди.

Оммавий коммуникациянинг шаклларида бири сифатида ўрганилган реклама назариялари иккинчи туркум манбаларда ёритилган. Жумладан, У.Уэллс, Ж.Бернет, С.Мориарти, Д.Денисон, Л.Тоби, А.Дейян, Ф.Джефкинс, Т.Науменко, А.Оганесян, И.Рожков, Р.Ромат, Л.Федотова, В.Шёнерт ва бошқа олимларнинг асарлари ҳамда монографияларида рекламанинг турлича назариялари, рекламанинг амал қилиши билан боғлиқ қонуниятлар, реклама

тамойиллари, шакллари ва вазифалари, реклама орқали таъсир кўрсатиш имкониятлари таҳлил қилинган.

Бундан ташқари, реклама маркетингнинг таркибий қисми сифатида ҳам ўрганилган бўлиб, унинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш каби муаммолар Э.Старобинский, О.Саркисян, О.Груздева, Г.Красовский, А.Кутлалиев, А.Попов, А.Климин, Е.Павловская, К.Иванова, А.Овруцкий, Э.Бэрри каби олимларнинг илмий изланишларида алоҳида ўрганилган ва бу манбаларни учинчи туркум адабиётлар қаторига киритиш мумкин.

Сайловолди жараёнида сиёсий технологиялардан самарали фойдаланиш орқали жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатиш муаммолари МДХ мамлакатларидаги кўплаб олимларнинг ҳам эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Хусусан, А.Сухов, А.Максимов, Е.Мелешкина, Г.Пушкарёва, Ф.Ильясов, А.Соловьев, Е.Малкин, Е.Сучков, Т.Гринберг, Н. Малишевский каби олимлар сайловолди жараёни ҳамда сайлов технологияларини таҳлил этиб, бунда ижтимоий-сиёсий рекламадан унумли фойдаланиш имкониятларига алоҳида эътибор қаратганлар. Бу манбаларни тўртинчи туркум адабиётлар қаторига киритиш мумкин.

Бешинчи туркум манбалар республикамиз олимларининг асарларини ўз ичига олади. Республикамининг илмий жамоатчилиги олимлари томонидан айнан ижтимоий-сиёсий реклама муаммолари махсус ўрганилмаган бўлса-да, Б.Мустафоев, А.Ёкубов, Э.Султонова, Ф.Мўминов, О.Хусанов, И.Эргашев, А.Холбеков, Р.Жумаев, Н.Умарова, М.Қирғизбоев, Н.Жўраев, Н.Абдуазизова² кабиларнинг асарлари, монография ва илмий мақолаларида сайлов жараёни, сайлов ҳуқуқи, сайловларни ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари ва асосий тамойиллари, сайловларда ҳақиқий рақобат муҳитини вужудга келтириш, сайловолди тарғибот-ташвиқот муаммоларига алоҳида эътибор қаратилган. Тадқиқотчи Яздонов Улуғбек Тошмуротович “Глобаллашув шароитида жамоатчилик фикрини шакллантириш институтларининг функционал интеграциялашув хусусиятлари” мавзусида илмий тадқиқотлар олиб борган, аммо ушбу тадқиқот жамоатчилик фикрини шакллантириш борасида олиб борилган ва унда ижтимоий-сиёсий рекламалар таҳлил этилмайди. Бизнинг тадқиқот ишимизда жамоатчилик фикрини шакллантиришда ижтимоий-сиёсий рекламалар ролига алоҳида аҳамият қаратилади.

Мавжуд манбалар таҳлилидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасида кечаётган сиёсий жараёнларда ижтимоий-сиёсий рекламанинг ўзига хос хусусиятлари сиёсий фанлар доирасида алоҳида мавзу сифатида ҳанузгача махсус ва чуқур ўрганилмаган. Бу эса, Ўзбекистоннинг жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш каби мақсадлар сари одимлаётгани, ижтимоий-сиёсий реклама воситасида сиёсат субъектлари билан унинг объектлари ўртасида самарали мулоқот ўрнатишга, сиёсий майдондаги кучларнинг имижини шакллантириш ва тарғиб қилиш орқали уларнинг таъсирчанлигини оширишга, кишилардаги онгли танлов

² Юқорида номлари келтирилган олимларнинг асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

имкониятларини кенгайтириш воситасида фуқароларнинг сиёсий маданиятини юксалтиришга хизмат қиладиган илмий изланишларни олиб боришни тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, суд-ҳуқуқ ислохотларининг муштараклиги” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жамоатчилик фикрини шакллантиришда ижтимоий-сиёсий рекламанинг ролини очиб бериш, шунингдек, сайлов жараёнларида ҳокимият учун курашувчи гуруҳларнинг жамоатчилик фикрига таъсирининг замонавий йўналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ижтимоий-сиёсий реклама муаммоларига бағишланган илмий манбалар, назарий ёндашувлар, концепцияларни таҳлил қилиш;

ижтимоий-сиёсий рекламанинг мазмун-моҳияти, шакллари, амал қилиш хусусиятлари ва вазифаларини очиб бериш;

сиёсий коммуникациялар тизимида ижтимоий-сиёсий рекламанинг ўрни ва ролини аниқлаш;

ижтимоий-сиёсий рекламани сиёсат субъектларининг имижини шакллантириш механизми сифатида ўрганиш;

ижтимоий-сиёсий рекламанинг фуқаролар электорал феъл-атворига таъсирини тадқиқ этиш;

оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий-сиёсий рекламани амалга оширишнинг муҳим канали сифатидаги хусусиятларини очиб бериш;

Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий рекламани амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий асосларини ўрганиш;

сайловолди курашда Ўзбекистондаги сиёсий гуруҳларнинг ижтимоий-сиёсий рекламани амалга ошириш тажрибасини танқидий таҳлил қилиш;

Ўзбекистондаги сиёсий гуруҳлар томонидан амалга ошириладиган ижтимоий-сиёсий рекламанинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объектини жамоатчилик фикрини шакллантиришда ижтимоий-сиёсий рекламанинг ривожланиш тенденциялари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-сиёсий рекламалар орқали жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатишнинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил этиш ва уни янада такомиллатиришнинг ижтимоий механизмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда комплекс ёндашув, тарихийлик, мантиқийлик, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, кузатув, контент ҳамда сиёсий таҳлил каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ижтимоий-сиёсий реклама сиёсат субъектлари билан фуқаролар

ўртасида мулоқот ўрнатишга, жамият аъзоларининг сиёсий майдонда амал қилаётган манфаатдор гуруҳлар тўғрисидаги ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилиши асосланган;

ижтимоий-сиёсий реклама, жамоатчилик билан алоқалар технологиялари ва пропаганда ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва уларнинг бир-биридан фарқли жиҳатлари очиқ берилган;

ижтимоий-сиёсий реклама жамиятда демократик тамойилларни қарор топтириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва ижтимоий фикрнинг шаклланишида замонавий технологик омиллардан эканлиги илмий асосланган;

ижтимоий-сиёсий рекламанинг жамиятдаги ижтимоий муаммоларни ҳал этиш ва мамлакатда сиёсий барқарорликни таъминлашнинг кенг қамровли воситаси эканлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйдагилардан иборат:

Ўзбекистондаги сиёсий коммуникациялар тизимида ижтимоий-сиёсий рекламанинг ўрни ва ролини аниқлаш, ижтимоий-сиёсий рекламани сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатиш технологияси сифатида ўрганиш, Ўзбекистондаги сиёсат субъектлари фаолиятининг таъсирчанлигини оширишда ижтимоий-сиёсий рекламадан самарали фойдаланиш имкониятлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, ўтказилган социологик сўровнома, хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Изланиш натижасида илгари сурилган хулоса ва умумлаштиришлар ижтимоий-сиёсий реклама соҳасида шу вақтга қадар тўпланган илмий билимларни тўлдириб, келгусидаги тадқиқотлар учун назарий асос бўлиб хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан сиёсий амалиётда, сайловолди кампанияларини уюштиришда, сиёсат субъектларининг тарғибот-ташвиқот ишларини ташкиллаштиришда услубий кўрсатма сифатида фойдаланиш мумкин. Ўзбекистондаги сиёсий жараёнларда ижтимоий-сиёсий рекламадан самарали фойдаланишга доир таклиф ва тавсияларни манфаатдор ташкилотларга етказиш улар фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилиши мумкин. Диссертация материалларидан сиёсатшунослик, социология, конфликтология, сиёсий технологиялар каби фанлар доирасида тегишли муаммолар бўйича маърузалар ўқишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот натижаларидан қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар даражасида қарорлар қабул қилиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Назарий ва амалий хулосалардан эса, сиёсий партиялар ва унинг жойлардаги бўлимлари, тарғиботчилар, сиёсий етакчи имижини шакллантириш билан шуғулланувчи

имижмейкерлар ҳамда сиёсий партиялар фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жамоатчилик фикрини шакллантиришда ижтимоий-сиёсий реклама роли ошишининг замонавий тенденциялари юзасидан ишлаб чиқилган илмий-назарий хулоса ва таклифлар асосида қуйидагиларга эришилди:

ижтимоий-сиёсий реклама сиёсат субъектлари билан фуқаролар ўртасида мулоқот ўрнатишга, жамият аъзоларининг сиёсий майдонда амал қилаётган манфаатдор гуруҳлар тўғрисидаги ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилишига оид ҳамда жамоатчилик билан алоқалар технологиялари ва пропаганда ўртасидаги фарқ очиб берилганлиги борасидаги хулосалардан “Фуқаролик жамияти” (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 25 августдаги 744-сонли буйруғи асосида чоп этилган. Рўйхат рақами 744-070- Т.: “Mumtoz so’z”. 2018 й. 23 б.т.) ўқув қўлланмасининг “Жамоатчилик назорати ва давлат органлари фаолиятининг очиклиги” деб номланган мавзусини тайёрлашда, “Фуқаролик жамияти фанидан тушунча ва атамалар луғати” (Т.: Турон-Замин-Зиё. 2017 й. 21 б.т.) номли луғатда, “Фуқаролик жамияти”, “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанларига оид мавзуларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 19 февралдаги 89-03-685 сонли маълумотномаси). Натижада, ўқув қўлланманинг назарий-методологик асоси такомиллашган;

ижтимоий-сиёсий реклама, жамоатчилик билан алоқалар технологиялари ва пропаганда ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва бир-биридан фарқли жиҳатлари мавжуд эканлиги борасидаги хулосалардан “Фуқаролик жамияти” (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 27 декабрдаги 1186 сонли буйруғи асосида чоп этилган. Рўйхат рақами 1186-029. Т.: Ўзбекистон Миллий гвардияси ҳарбий техник институти. 2020 й. 23 б.т.) номли дарсликнинг “Жамоатчилик назорати ва давлат органлари фаолиятининг очиклиги” деб номланган ўн иккинчи мавзусини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 19 февралдаги 89-03-685 сонли маълумотномаси). Мазкур хулосалар ўқув қўлланманинг бугунги кунда ижтимоий сиёсий рекламанинг аҳамиятига доир назарий-методологик асослари такомиллашишига хизмат қилган;

ижтимоий-сиёсий реклама жамиятда демократик тамойилларни қарор топтириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва ижтимоий фикрнинг шаклланишида замонавий технологик омиллардан эканлиги ҳамда аҳоли барча қатламларининг фаол фуқаролик позициясини ошириш, кўнгилли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларда волонтерлик кўникмаларини ошириш борасидаги таклифларидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2019 йил 2-ярим йиллик учун мўлжалланган иш режаси 39-банди (Ёшларнинг сиёсий жараёнларга фаол иштирокини таъминлаш, жойлардаги халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари

томонидан қабул қилинган ҳужжатлар мазмун-моҳиятини жойларда ёшларга тарғиб этиш мақсадида “Ёш депутат” лойиҳасини ўтказиш) ҳамда 42-банди (Ёшларнинг сиёсий билимларини мустаҳкамлаш, сайловларда ёшларнинг фаоллигини ошириш мақсадида “Парламент ёшлар нигоҳида, Ўзбекистон ёшлари янги сайлов арафасида” мавзусида очик мулоқотлар ўтказиш)ни ишлаб чиқишда фойдаланилди. (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг 2020 йил 21 февралдаги 04-13/740-сонли маълумотномаси). Диссертацияда билдирилган хулосалар, таклифлардан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятида фойдаланилиши республикада кечаётган ислохотлар жараёнида тафаккур ўзгаришлари билан боғлиқ жиҳатларни кенг аҳоли қатламига, айниқса, ёшларимизга чуқур тушунтириш ва бу борадаги олиб борилаётган ишларни такомиллаштиришга хизмат қилган;

ижтимоий-сиёсий рекламанинг жамиятдаги ижтимоий муаммоларни ҳал этиш ва мамлакатда сиёсий барқарорликни таъминлашнинг кенг қамровли воситаси эканлигига оид таклиф ва тавсиялардан 2018-2020 йиллар давомида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Mahalla» телерадиоканали орқали эфирга узатилган ижтимоий-сиёсий йўналишдаги бир қатор кўрсатув ва эшиттиришларни тайёрлашда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 23 февралдаги 01-323-78-сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф ва тавсиялар “Mahalla” телеканали фаолиятининг ижтимоий-сиёсий йўналишдаги кўрсатувларини бойитишга катта ҳисса қўшган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола (5 та республика ва 4 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, объекти, предмети, методлари, мақсад ва вазибалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Жамият тараққиётида ижтимоий-сиёсий рекламанинг ролини тадқиқ этишнинг назарий асослари**” деб

номланган бўлиб, учта параграфдан иборат. Унда мавзуга оид турли илмий қарашлар, назариялар, таълимотлар, таъриф ва ёндашувлар таҳлил қилинган. Реклама замонавий сиёсий жараёнларнинг ажралмас таркибий қисми, жамиятдаги мулоқот шакллари билан биринчи эканлиги асосланган. Фан ва амалиётда ижтимоий-сиёсий рекламага икки хил ёндашув шаклланиган, унга кўра, ижтимоий-сиёсий реклама оддий рекламанинг ўзгинаси, фақат бунда ғайриоддий, “тирик” маҳсулот билан иш кўрилади. Иккинчи ёндашувга кўра, ижтимоий-сиёсий реклама мутлақо ўзгача ижтимоий-психологик ҳодисадир. Реклама соҳасида эришилган айрим ютуқлардан ижтимоий сиёсий рекламани амалга оширишда фойдаланиш самарали натижалар беради, жумладан, савдо-сотик рекламаси билан боғлиқ назарияларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда қўлланилиши ижтимоий-сиёсий реклама соҳасининг тараққий этишига туртки бўлди, масалан Д.Огилвининг имиж назарияси, Ж.Траут ва А.Райснинг мавқе эгаллаш назарияси ва Р.Ривснинг “ноёб савдо-сотик таклифи” назариялари юқоридаги фикрларимизга мисол бўлади. Дастлаб савдо-сотик рекламаси соҳасида ривожланган имиж назариясидан вақт ўтиши билан сиёсий жараённинг алоҳида, мураккаб йўналиши сифатида имижмейкинг ўсиб чиққан бўлса, шу вақтга қадар оддий рекламанинг таркибий қисми бўлган мавқени эгаллаш назарияси вақт ўтиши билан сиёсий соҳада жамоатчилик билан алоқалар ўрнатишнинг муҳим бўлагига айланди.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, жуда оз муаллифлар ижтимоий-сиёсий рекламани мураккаб тадқиқот объекти сифатида ажратганлар. Умуман, ижтимоий-сиёсий рекламани сиёсий фанлар объекти сифатида ўрганилган адабиётларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларнинг аксариятида ижтимоий-сиёсий реклама замонавий сайлов технологиялари, шу жумладан, “Жамоатчилик билан алоқалар” технологиялари нуқтаи назардан ўрганилади. Ижтимоий-сиёсий рекламага берилган таърифларни таҳлил қилиш жараёнида биз бу ҳодисанинг турли жиҳатларини очиб беришга ҳаракат қилдик. Масалан, ижтимоий-сиёсий реклама бугунги кунда маълум маънода сиёсий объектнинг ижобий қиёфасини шакллантиришга йўналтирилган барча турдаги ахборотлар сифатида талқин қилинмоқда. Ижтимоий-сиёсий реклама мазмунини очиб беришда А.Соловьевнинг таърифи ҳам мурожаат қилинди: “Ижтимоий-сиёсий реклама инсонга йўналтирилган шахсиз мурожаатнинг шундай шаклини ўзида ифода этадики, ахборотнинг эркин ва рақобатли танлови шароитида у инсонда сиёсий маҳсулотнинг (номзод, институт, рамз, ғоянинг) ижобий қиёфасини яратишга йўналтирилади ва инсонни шунга мос равишда уни қўллаб-қувватлашга сафарбар этади”³.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфи “Ижтимоий-сиёсий реклама: моҳияти, амалга ошириш шакллари, вазифалари” деб номланган. Унда ижтимоий-сиёсий рекламанинг ривожланиш босқичлари ҳар бир босқичнинг ўзига хос хусусиятлари билан бирга таҳлил қилинган. Бизнингча, ижтимоий-

³ Соловьев А.И. Политология: политическая теория, политические технологии. – М.: Аспект Пресс, 2000, 522-стр.

сиёсий реклама деганда, маълум ижтимоий муаммони кўтариб чиққан ва шу муаммолар ортидан ўз мақсадларига етишни кўзлаган сиёсий партиялар (уюшмалар), давлат бошқаруви органлари, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда сиёсий фаолиятда иштирок этаётган алоҳида фуқаролар, яъни сиёсат субъектларининг хатти-ҳаракатлари, ғоялари, дастурлари ҳамда уларнинг бирор ташкилотга, ҳодисаларга, фуқароларга, ғояларга муносабатини тушуниш лозим.

Ижтимоий-сиёсий рекламага хос хусусиятлар ҳақида фикр юритганда, авваламбор, реклама мурожаати пуллик экани ҳамда рекламани жойлаштирувчи тараф ўз хабарини узатиш учун муайян миқдорда маблағ тўлаши зарурлигига аҳамият бериш лозим. Аммо ижтимоий рекламалар бепул бўлади. Шу сабабли ижтимоий-сиёсий рекламалар ортидан ўз мақсадларини кўзлаган гуруҳлар кўп томонлама мақсадларни кўзлаган бўлишади. Иккинчидан, ижтимоий-сиёсий реклама, одатда, бир тарафга — реклама берувчидан таъсир объектига йўналтирилган бўлади. Учинчидан, реклама ахбороти шахсий табиатга эга бўлмайди, яъни аниқ бир шахсга эмас, балки мақсадли аудиторияга йўлланади. Тўртинчидан, ҳар қандай ижтимоий-сиёсий реклама ахборотдан иборат бўлади. Бешинчидан, ижтимоий-сиёсий рекламани узатишда унинг буюртмачисини ошкор этиш талаб этилади. Ва ниҳоят, ижтимоий-сиёсий реклама билвосита амалга оширилади, яъни рекламани амалга оширишда оммавий ахборот воситалари, замонавий ижтимоий тармоқлардан фойдаланилади. Бундан ташқари, ижтимоий-сиёсий рекламани амалга оширишда ахборотни яратиш жараёни сиёсий кампания раҳбарияти томонидан тўла назорат қилинади. Муҳими, ижтимоий-сиёсий реклама аудиторияга ҳеч қандай бузилишларсиз етиб боради. Бошқача айтганда, ижтимоий-сиёсий реклама фақат буюртмачи узатишни истаган ахборотни ўз ичига олган бўлади. Ижтимоий-сиёсий рекламадан фақатгина сайлов кампаниялари даврида фойдаланилмайди, ундан муайян партия томонидан тарафдорларни ўзига оғдиришда, сафларига янги аъзоларни жалб қилишда, янги партиянинг ғоялари ва фаолият тамойилларини кенг оммага етказишда ёки жамият аъзоларини муайян сиёсий тадбирда иштирок этишга ундашда фойдаланиш мумкин. Ижтимоий-сиёсий реклама, одатда, муайян муддат билан боғланган аниқ натижага йўналтирилган бўлади, бунда реклама мурожаати билан кутилаётган таъсир ўртасидаги вақт оралиғи илож қадар қисқа бўлиши талаб этилади.

Биринчи бобнинг учинчи параграфи - “Сиёсий коммуникациялар тизимида ижтимоий-сиёсий рекламанинг ўрни ва роли” деб номланган. Ушбу параграфда ахборотлашган жамиятда коммуникация сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш, уни амалга ошириш ва кучайтириш омили сифатида намоён бўлади. “Коммуникация” атамаси уч хил маънода талқин қилинган манбаларга мурожаат қилинди: “Биринчидан, коммуникация моддий ва маънавий дунёнинг ҳар қандай объектларини боғлаш воситаси сифатида намоён бўлади. Иккинчидан, бу атама мулоқотни назарда тутаяди, бундай мулоқот жараёнида кишилар ахборот алмашинадилар. Учинчидан, коммуникация деганда жамиятга ва унинг таркибий қисмларига таъсир

кўрсатиш мақсадида ахборот узатиш ва оммавий ахборот айирбошлаш тушунилади”⁴.

Бизнингча, ижтимоий-сиёсий рекламани илмий тадқиқ этиш бу ходисани сиёсий коммуникациялар доирасида ўрганишни тақозо этади. Чунки ҳар қандай ижтимоий-сиёсий реклама, аввало, муайян мазмундаги ахборот манбаи сифатида намоён бўлади, демакки, аудиториянинг сиёсий мазмундаги ахборот олишга бўлган эҳтиёжларини қондиради. Бундан ташқари, ижтимоий-сиёсий реклама коммуникатив вазифани бажаради, яъни сиёсий лавозимларга даъвогарлар билан омма ўртасида мулоқот ўрнатишга хизмат қилади. Демак, сиёсий коммуникацияларнинг мазмун-моҳиятини чуқур ва ҳар томонлама тушуниш, пировард натижада, шундай коммуникациялардан бири бўлмиш ижтимоий-сиёсий рекламанинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади. Ижтимоий-сиёсий реклама нуқтаи назаридан сиёсий коммуникациялар икки шаклда амалга оширилади: рационал⁵ коммуникацияда коммуникатор ахборотни узатиш жараёнини онгли ва мақсадга мувофиқ равишда ташкил этадиган бўлса, спонтан⁶ коммуникацияда коммуникатор ахборотни узатиш жараёнини англамайди, назорат қилмайди.

Диссертациянинг иккинчи бобида **“Ижтимоий-сиёсий реклама жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатиш технологияси сифатида”** ўрганилди. Бобда сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатишда ижтимоий-сиёсий рекламадан технология сифатида фойдаланиш ижтимоий ҳаётга фаол таъсир кўрсатиш имконини бериши илмий асосланди. Ушбу бобнинг биринчи параграфи **“Ижтимоий-сиёсий реклама — сиёсий тизим барқарорлигини таъминлаш омили”** деб номланган бўлиб, унда сиёсатда имижнинг роли ва аҳамияти таҳлил қилинган. Дарҳақиқат, ижтимоий-сиёсий рекламада субъект-объект муносабатлари ўзига хос хусусиятларга эга. Номзоднинг сайловчилар билан мулоқоти кўпинча билвосита табиат касб этади. Бу, бир томондан, кўп сонли кишиларга таъсир кўрсатиш (бунинг учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш) зарурати билан боғлиқ бўлса, бошқа томондан, шахс жамоатчилик олдида ўзининг бутун инсоний моҳияти ва сифатларини намоён эта олмаслиги билан боғлиқ. Шунинг учун номзоднинг реал сифатлари ҳамда электоратнинг манфаатларини акс эттирувчи идеал сифатларни ўз ичига олган муайян қиёфа ундан айрилиб, ажралиб чиқади. Сайловчи айнан шу қиёфа-таассуротни, яъни имижни қабул қилади. Аксарият сайловчилар етакчи билан юзма-юз, бевосита мулоқот қилиш имкониятига эга эмаслиги эътиборга олинандиган бўлса, танлов номзоддан кўра кўпроқ унинг имижига боғлиқ эканини тушуниш мумкин.

Ижтимоий-сиёсий рекламани сиёсат субъектларининг имижини шакллантириш воситаси сифатида таҳлил қилишда муаллиф сиёсатнинг бошқа субъектларига ҳам тўхталади. Зеро, ижтимоий-сиёсий реклама сиёсий

⁴ Шарков Ф.И., Родионов А.А. Социология массовой коммуникации- М.: “Издательский Дом “Социальные отношения”, издательство “Перспектива”, 2002, 13-стр.

⁵ Рационал — онгли, оқилона, асосланган, мақсадга мувофиқ.

⁶ Спонтан — сиртки таъсир натижасида эмас, балки ички сабаб натижасида вужудга келадиган.

фаолиятда иштирок этаётган алоҳида фуқаролардан ташқари, сиёсий партиялар (уюшмалар), давлат бошқаруви органлари ва жамоат ташкилотларининг рекламасини ҳам қамраб олади.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи “Ижтимоий-сиёсий реклама жамоатчилик фикрини шакллантириш механизми сифатида” деб номланади. Маълумки, сиёсий гуруҳлар учун сайловолди ташвиқоти сиёсий курашнинг фаол шакли бўлиб хизмат қилади. Бу кураш давомида номзодлар шахсий қобилияти ва фазилатларини намойиш этадилар, ҳокимиятни амалга ошириш билан боғлиқ ваколатларни бажаришга тайёрликларини исботлашга ҳаракат қиладилар, электоратнинг сиёсий онги ва хулқ-атвориға, сайлов натижаларига таъсир кўрсатадилар. Параграфда электорал феъл-атворға берилган қуйидаги таъриф келтирилади: “Электорал хулқ-атвор деганда, фуқароларнинг сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш билан боғлиқ ваколатларини узатишдаги сиёсий хулқ-атвори”⁷ тушунилади. Электорал хулқ-атвор сайловолди кампаниясида ва сайловларда иштирок этиш билан чекланмай, депутатларни чақириб олиш ва қайта сайлаш жараёнида ҳам намоён бўлади. Муҳими, муайян электорал хулқ-атворни белгилаб берувчи сабабларни яхши билган сиёсий куч сайловлардаги майлларни исталган йўналишда ўзгартира олади. Ижтимоий-сиёсий реклама худди ана шу мақсадга — электорал хулқ-атворни сайлов стратегиясига бўйсундиришга хизмат қилади. Сайловолди кампаниясида ижтимоий-сиёсий реклама ўзига хос вектор-йўналиш вазифасини ўташини, электоратнинг хулқ-атвориға муайян йўналиш беришини илмий жиҳатдан асослайди. Параграфда ижтимоий-сиёсий реклама электорал коммуникация сифатида талқин қилинади, электорал хулқ-атворнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилади. Таҳлиллар асосида муаллиф сиёсий майлларнинг шаклланиши давридаёқ сиёсий рекламадан танлов кўрсатмаларини қарор топтириш мақсадида фойдаланиш кутилган самарани бериши ҳақидаги хулосани илгари суради. Инсонларнинг сиёсатда иштирок этиши сабаблари уларнинг эҳтиёжлари билан бевосита боғлиқ. Шу боисдан, эҳтиёжларни англаш босқичида реклама механизмларининг амал қила бошлаши, эҳтиёжларнинг номзод таклифи билан уйғунлаштирилиши ва пировард натижада, реклама материалларида ифодаланиши ижтимоий-сиёсий реклама таъсирчанлигини оширишнинг муҳим йўналишларидан биридир.

Инсоннинг электорал хулқ-атвори сайловчининг сиёсий ҳаётга қанчалик қизиқишига, сиёсатдан хабардор бўлишига бевосита боғлиқ эканини таъкидлаб, сиёсий рекламани амалга оширишда ушбу омил билан ҳисоблашиш зарур. Бундан ташқари, электоратни турли гуруҳларга — “иккиланаётган”, “рад этаётган” ва “барқарор” электоратга ажратиш ҳамда реклама кампаниясини шу асосда ташкил этиш самарали эканини эътироф этади. Демак, сиёсий рекламанинг самарадорлиги электоратни тўғри сегментлаш, яъни гуруҳларга ажратишга боғлиқ бўлади. Бундай ёндашув электоратга манзилли таъсир кўрсатиш имконини беради.

⁷ И.В.Охременко. Электоральное поведение: теория вопроса: учебное пособие: В 2 ч. Ч.1. — Волгоград: Издательство ВолГУ, 2002, 19-стр.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфи “Оммавий ахборот воситалари ижтимоий-сиёсий рекламани амалга оширишнинг муҳим воситаси сифатида” деб номланади. Ушбу параграфда оммавий ахборот воситаларининг таърифлари, уларнинг сиёсий танловга таъсир кўрсатувчи омиллардан бири экани атрофлича таҳлил қилинган. Оммавий ахборот воситалари - сайловчиларни фаоллаштириш, пассив фуқароларни овоз беришда иштирок этишга ундаш, тарафдорларни саклаб қолиш, шаклланган маслакларни янгилаш ва мустаҳкамлаш, сиёсий майлларни ўзгартиришга қодир кучдир.

Оммавий ахборот воситалари имкониятлари ва таъсир кучига кўра бир-биридан фаркланади ва кишиларга таъсир кўрсатиш борасида телевидение ва ижтимоий тармоқларнинг имкониятлари юқори. Дарҳақиқат, телевидение ва ижтимоий тармоқлардан сиёсий мулоқот воситаси сифатида фойдаланиш реклама ижодкорлиги соҳаси ривожига ҳам янги босқични бошлаб берди ва омма онгига сиёсатчилар қиёфасини сингдиришнинг янги йўллари кашф қилишга хизмат қилди. Номзодларнинг сайловолди роликлари, реклама спотлари, клиплар, видеофильмлар, номзодларнинг баҳс-мунозаралари телевидениедаги ижтимоий-сиёсий реклама кўринишларидандир. Диссертацияда ижтимоий-сиёсий телереклама мазмуни ва ўзига хос хусусиятларига кўра таснифланган. Радио- сиёсат субъекти ва у томонидан илгари сурилаётган ғояларни аҳолига таништириш, бирор сиёсий куч ҳақида ижобий жамоатчилик фикрини шакллантириш асосида унинг тарафдорларини кўпайтиришнинг самарали куралидир.

Диссертацияда оммавий ахборот воситалари орқали ижтимоий-сиёсий рекламани узатишнинг яна бир кўриниши — босма даврий нашрлардаги реклама масаласи ёритилган. Босма нашрлар орқали турли журналистик мақолалар, суҳбатлар, сиёсий очерклар чоп этилиши, етакчининг сиёсий портрети жойлаштирилиши, сиёсат субъектларининг дастурий ҳужжатлари ва нутқлари, мурожаатлари, баёнотлари, баҳс-мунозаралар баён этилди.

Интернет ижтимоий-сиёсий рекламани тарқатишнинг янги канали сифатида эътироф этилди, бу воситанинг афзалликлари кўрсатилди, ижтимоий-сиёсий реклама нуқтаи назаридан аҳамиятли ресурслар тавсифланди. Ижтимоий-сиёсий рекламани амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг барча турларига мурожаат қилиш, ижтимоий-сиёсий реклама амалиётида уларнинг барчасидан моҳирона фойдаланиш сиёсат субъектига хайрихоҳ аудитория микёсини кенгайтиришга хизмат қилади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ўзбекистон таракқиётининг янги босқичида ижтимоий-сиёсий реклама орқали жамоатчиликка таъсир кўрсатишнинг истиқболлари”** деб номланган. Мазкур бобнинг биринчи параграфи “Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий рекламани амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий асослари” таҳлиliga бағишланган. Маълумки, ҳар бир давлатнинг ахборот макони, шу жумладан, сиёсий гуруҳларнинг тарғибот-ташвиқот билан боғлиқ фаолияти, рекламани тарқатиш жараёни ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикасида ҳам ижтимоий-сиёсий рекламани амалга оширишда бир қанча қонун ҳужжатларига таянилади. Жумладан, “Сиёсий партиялар

тўғрисида”ги, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида ижтимоий-сиёсий реклама фаолиятига дахлдор меъёрлар мавжуд. Гарчи мазкур қонунлардан ўрин олган ҳуқуқий меъёрларда айнан “ижтимоий-сиёсий реклама” атамаси қўлланилмаган бўлса-да, ижтимоий-сиёсий реклама сайловолди ташвиқоти кўринишларидан бири эканини инобатга олиб, ижтимоий-сиёсий рекламани амалга оширишда мазкур моддаларга таяниш талаб этилади.

Параграфда “Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижтимоий-сиёсий реклама талаблари бўйича таҳлил қилинган. Шунингдек, юқорида зикр этилган қонунларнинг ижтимоий-сиёсий рекламага тааллуқли қисмлари таҳлил қилинди. Бизнингча, бу соҳани тартибга солувчи мавжуд ҳуқуқий меъёрлар сиёсат субъектларининг рекламани амалга ошириш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлари қонуний бўлишини, реклама объектларига зарар етказмаслигини кафолатлайди, ижтимоий-сиёсий реклама субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишининг олдини олади.

Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий рекламани амалга ошириш жараёнининг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори мавжуд, бизнингча, гарчи сайловолди ташвиқоти жараёнини ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан тартибга солиш борасида мамлакатимизда муайян натижалар қўлга киритилган бўлса-да, бу соҳани, ва айниқса, ижтимоий-сиёсий реклама соҳасини фақатгина қонунчилик асосида тартибга солиб бўлмайди. Сайловлар арафасида сиёсий рақобат авжига чиқиши туфайли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда номзодлар шаъни ва кадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатишга мойиллик пайдо бўлади. Натижада, ижтимоий-сиёсий рекламани амалга оширишда “қора” ва “кулранг” технологиялар ишга солинади. Шу сабабдан, сиёсий ахборот маконида ҳозир бўлган тузилмаларнинг ўз реклама фаолиятида муайян маънавий андозаларга риоя қилишлари талаб этилади. Бизнингча, фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати, жамоатчилик фикри ҳамда миллий маданиятимизга хос хусусиятлар ижтимоий-сиёсий рекламани амалга ошириш жараёнининг маънавий тағзаминини ташкил этиши зарур. Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий рекламани амалга оширишнинг юқорида зикр этилган ташкилий-ҳуқуқий кафолатлари ҳамда маънавий-ахлоқий пойдевори сиёсий кучларга ўз ғояларини кенг тарғиб қилиш имконини беради ҳамда сайловчиларга номзодлар орасидан ўзи учун муносибини танлашга хизмат қилади.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфи “Ўзбекистонда сиёсий тизим тараққиётида ижтимоий-сиёсий рекламани амалга ошириш тажрибаси: ютуқлар ва муаммолар” деб номланади. Унда Ўзбекистонда сиёсий соҳада амалга оширилган ислохотларнинг жадал суръатлари ижтимоий-сиёсий реклама соҳасининг ҳам тезкорлик билан ривожланишига туртки бўлди. Шу

аснода Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий рекламани амалга оширишнинг муайян тажрибаси шаклланиганини эътироф этиш мумкин. Параграфда мамлакатимизда 2019 йил 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига ўтказилган сайловларда иштирок этган партияларнинг телевидение орқали амалга оширган рекламаси таҳлил қилинди.

2019 йил 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига ўтказилган сайловларда ижтимоий-сиёсий рекламани узатишда босма даврий нашрлардан унумли фойдаланилди. Тан олиш керак, оммавий ахборот воситалари сиёсат субъектлари рекламасининг ягона манбаи ҳисобланмайди. Сиёсат субъектлари рекламани амалга оширишда, асосан, “субъект-субъект” моделига асосланганлиги, бунда аудиториянинг манфаат ва эҳтиёжларига биринчи даражали эътибор берганликлари туфайли сайловчилар билан сиёсий кучлар манфаатларининг муштараклигига эришилди. Ижтимоий-сиёсий рекламаларда идентификациялаш — партия ёки номзодларни кишиларга ўзиники сифатида тақдим этиш руҳияти устуворлик қилганини, ижтимоий-сиёсий рекламани амалга оширишда дифференциал ёндашув кўзга ташланганини ижобий баҳолаш мумкин. Мулоқотларни биров жонли ўтказиш, баҳс-мунозараларда партия аъзолари ва бошловчилардан ташқари, студияда жамоатчиликнинг ҳам иштирок этгани, бунда “ток-шоу” услубидан фойдаланиш, телекоммуникациялар ёрдамида интерфаолликнинг таъминланиши яхши самара берганига алоҳида эътибор бериш лозим.

